



THE MAIN DIRECTIONS OF THE STATE'S GENDER POLICY IN UZBEKISTAN

Zukhrakhan Seitova

doctor of sociology (DSc)

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Nukus, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: politics, ideology, propaganda, gender politics, gender factors, gender inequality reduction, social gender, Law, Foundation, social aspects.

Received: 09.04.25

Accepted: 11.04.25

Published: 13.04.25

Abstract: This article analyzes the political, social, legal aspects of ensuring gender equality and its importance in strengthening the relations of the state and society from a scientific point of view, the policy of the state that defines an important and basic development strategy.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ГЕНДЕР СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Зухраҳон Сеитова

социология фанлари доктори (DSc)

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти

Нукус, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: сиёсат, мафкура, тарғибот, гендер сиёсати, гендер омиллари, гендер тенгсизлиги камайитириш, ижтимоий гендер, ҳуқуқ, асос, ижтимоий аспектлар.

Аннотация: Ушбу мақолада давлатнинг муҳим ва асосий ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи сиёсати – гендер тенгликни таъминлашнинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатлари ва унинг давлат ва жамият муносабатларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти илмий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГЕНДЕРНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Зухраҳан Сеитова

доктор социологических наук (DSc)

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Нукус, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	политика, идеология, пропаганда, гендерная политика, гендерные факторы, сокращение гендерного неравенства, социальный гендер, Право, Фундамент, социальные аспекты.	Аннотация:	В данной статье анализируются политические, социальные, правовые аспекты обеспечения гендерного равенства и его значение в укреплении отношений государства и общества с научной точки зрения, политика государства, определяющая важную и базовую стратегию развития.
------------------------	---	-------------------	--

Кириш: “Гендер” тушунчасининг луғавий маъноси лотинча “генус”, яъни “жинс” маъносини англатади. Агарда, биологик жинс инсонларни аёл ва эркакларга ажратадиган бўлса, гендер – бу аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрнини ажратишга қаратилган.

Жамиятда аёл ва эркакларнинг ўз ўрнини топиши ва белгилаши учун давлат уларга бир хил шароит ва имконият яратиб бериши гендер тенгликни таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қисм. Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган ушбу олий юридик кучга эга қонун ҳужжатида қонун ва ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида янги йўналиш – гендер-ҳуқуқий экспертизаси жорий этилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги (ЎРҚ-562-сонли) қонуни қабул қилинди.

Хусусан, гендер-ҳуқуқий экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва унинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш ҳисобланади.

Хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принтсиплари сифатида мазкур қонуннинг 4-моддасига мувофиқ қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқлик, жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, очиқлик ва шаффофлик каби принтсиплар белгиланди. Гендер-ҳуқуқий экспертизани ўтказиш ваколатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотларга юклатилди.

Уларнинг ҳар бири ўз фаолияти йўналишидан келиб чиқиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва унинг лойиҳаларини таҳлил қилади ҳамда гендер-ҳуқуқий экспертиза хулосасини қабул қилади. Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва унинг лойиҳаларини таҳлил қилишнинг муҳим жиҳатлари белгиланган.

Жумладан, жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш имконияти яратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳаси хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш принтсипларига мувофиқ эмаслиги аниқланади. Қайд этиш

керакки, қонун юртимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган яхлит ва асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Шунингдек, унда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ушбу соҳада давлат бошқаруви механизмлари каби масалалар ҳам белгиланди. Хусусан, хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси –хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш. Ушбу соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Амалга оширилган ишлар бўйича ҳар йили Олий Мажлисга ахборот тақдим этади. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва бу борада халқаро стандартларга риоя этиш соҳасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга оширади. Қонуннинг эътиборга молик жиҳати шундаки, унда инсонларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашда гендер тенгликни сақлашга оид нормалар мавжуд. Хусусан, давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, масалан, давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилиши, давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигига риоя этилиши зарурлиги каби талаблар белгиланди[1].

Бундан ташқари, сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланиши назарда тутилди. Зеро, янгиланган Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига мувофиқ аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги белгиланган. Ушбу норма хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принтсипларига тўлиқ мос келади. Қонун билан иқтисодий соҳада хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат органлари ва мулк шаклидан қатъи назар, ташкилот раҳбарлари жамиятнинг ресурсларидан тенг

фойдаланишини таъминлаши шартлиги белгиланган. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.

Дарвоқе, қонуний ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик айрим ижтимоий муносабатларга татбиқ этилмайди. Чунончи, бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш, муддатли ҳарбий хизматга чақириш, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар, хотин-қизлар ва эркакларнинг меҳнатини муҳофаза қилишда репродуктив саломатликни сақлаш хусусиятлари, касбий малакага доир тавсиялар бериш, қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартлари ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди. Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунда гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор қадамларидан бири саналади. Янги қонун бунинг яққол далили бўлиб, келгусида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга ҳисса қўшадиган тарихий ҳужжат бўлди[2].

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида қуйидагича кўринишга эга бўлган:

Биринчидан, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси (бундан буён матнда — Гендер стратегияси) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мамлакатни ривожлантиришнинг устувор вазифалари ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонунийлик, демократия, очиқлик ва ошкоралик гендер тенгликни таъминлашнинг асосий тамойиллари деб белгиланди.

Иккинчидан, Гендер стратегияси доирасида гендер тенглик тушунчаси жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади.

Сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, хотин-қизларни

тазйик ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш масалалари бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди.

Жумладан, «Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 300 нафардан ортиқ, шу жумладан вазирлик ва идораларда 45 нафар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасида 39 нафар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида 207 нафар аёл раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кнегеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 2019 йилда бўлиб ўтган сайловларда рўйхатдан ўтган 21 435 000 нафар сайловчининг қарийб 50 фоизи ёки 10 825 641 нафари хотин-қизлардир. Ушбу сайловларда кўрсатилган номзодларнинг 41 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг сони Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексида белгиланган 30 фоизлик квотадан ортиди.

Гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашлари, Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсияларига мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламентлар ўртасида 37-ўринга кўтарилди.

Шунингдек, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг 49 фоизини, Ўзбекистон «Адолат» сотсиал-демократик партияси аъзоларининг 46 фоизини, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партия аъзоларининг 41 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади.

Ислохотларнинг барча босқичларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади. Аҳоли даромадларини тизимли равишда ошириб бориш, бандлик ва меҳнат муносабатларини шакллантириш, аҳолининг айрим тоифаларини, шу жумладан тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча кафолатлар берилди.

Хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш амалиёти йўлга қўйилди.

Тижорат банклари микрокредит базаси миқозларининг 30 фоизидан ортигини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ хотин-қизларга 4,9 триллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган хотин-қизлар сони бир йилда 45 минг нафарга кўпайди.

2019 йилдан бошлаб аҳолининг иш билан таъминланиши ва янги иш ўринлари яратилиши давлат буюртмаси асосида амалга ошириш тизими йўлга қўйилди. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинча меҳнат гувоҳномаларини бериш ва уларнинг иш стажини қайд этиш тартиби жорий этилди. Натижада норасмий секторда банд бўлган хотин-қизларнинг улуши 27 фоизга етди. Республиканинг чекка ҳудудларини ривожлантириш, қишлоқларни ободонлаштириш, қишлоқларда яшовчи хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликни қисқартиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида 1,5 миллиондан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилади. Тадбиркорлик субъектларининг 20 фоизига, шу жумладан фермер хўжаликларининг 7,3 фоизига аёллар раҳбарлик қилади.

2017 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, фуқароларни соғлом фарзандлар туғилишига онгли ва масъулиятли муносабатда бўлишга ўргатиш, хотин-қизлар ва эркекларнинг репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишда тенг имкониятларни яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Гендер тенгликни рағбатлантириш ва унга эришиш учун оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Замонавий ижтимоий ва сиёсий фаол хотин-қизлар имиджини акс эттирувчи, хотин-қизлар ва эркеклар учун яратилган имкониятларни ёритувчи радиоёшиттиришлар ва телекўрсатувлар сони кўпайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари қабул қилинган. Мазкур вазифалар доирасида гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда бошқа соҳаларда зарур чоралар белгилаб олинган[3]. Барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва

вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Меҳнат миграциясига доир масалаларни тартибга солиш Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этди. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқаро Миграция Ташкилотига аъзо бўлди.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жиддий эътибор талаб этадиган масалалар мавжуд. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ва жамият бошқарувига оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишдаги иштироки етарлича таъминланмаяпти, уларни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ишларга жалб қилиш ҳолати сустлигича қолмоқда.

Хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолияти тўғрисида жамиятдаги салбий қарашлар эса уларнинг сиёсий жараёнларда ўз ғояларини илгари суришига тўсқинлик қилмоқда. Аксарият ҳолларда хотин-қизларга иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган ва ҳақ тўланмайдиган уй хўжалиги ишлари юклатилмоқда[4].

Таълимда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида кескин тафовутлар кузатитилиб, бугунги кунда умумий ўрта таълим ўқитувчиларининг 70 фоиздан ортигини аёллар ташкил этмоқда.

Таълимнинг педагогика ва гуманитар фанлар (филология, педагогика, психология, маданият ва санъат) йўналишларида таҳсил олаётган хотин-қизлар улуши 68 фоизни ташкил этса, муҳандис-техник (ахборот технологиялари, энергетика, инженерия) ва ҳуқуқшунослик соҳаларида уларнинг улуши ҳамон камлигича (24 фоиз) қолмоқда.

Республика ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш хизматлари сифатининг пастлиги, хусусий тиббий хизматларнинг ривожланмаганлиги, эр ва хотин ўртасида оилани режалаштириш бўйича тиббий маданиятнинг етарли эмаслиги оналар ва гўдаклар ўлимларининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ташқи ва ички миграциянинг гендер жиҳатлари, унинг хотин-қизлар ҳамда эркакларга, уларнинг оиласи, фарзандларига таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаяпти, мазкур соҳада аҳоли учун яратилган имкониятлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш механизмлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари лозим даражада ташкил қилинмаяпти. Қолаверса, медиа

махсулотларининг гендер экспертизаси ўтказилмаяпти, оммавий ахборот воситаларида оила ва жамиятдаги хотин-қизлар ва эркакларнинг ролини акс эттиришда анъанавий қарашлар мавжуд, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида хотин-қизларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаси етарли даражада ёритилмаяпти.

Юқоридаги каби муаммо ва камчиликларнинг сақланиб қолиниши нафақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш имкониятини чеклабгина қолмасдан, мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджига, унинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Жаҳон Банкининг «Аёллар, бизнес ва қонун индекси»да 190 та мамлакат орасида 139-ўринни, АҚШнинг Джорджтаун институти томонидан юритиладиган «Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик индекси»да 167 та мамлакат ичида 89-ўринни эгалламоқда. Индекс берувчи халқаро ташкилотларнинг статистик маълумотларига асосан Жаҳон иқтисодий форуми томонидан тайёрланадиган «Глобал гендер тафовути» глобал ҳисоботида Ўзбекистоннинг ўрни акс этмаган. Шу муносабат билан Гендер стратегиясининг амалга оширилиши хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги тенгсизликни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги имиджини ошириш имконини беради[5].

Гендер стратегиясининг асосий мақсади — ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборат. Гендер стратегиясининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

хотин-қизларнинг ер ва мулкка нисбатан эгалик қилиш имкониятларини кенгайтириш;

жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан ҳамда спорт муносабатларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш;

хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ салбий қарашларни ўзгартириш;

аҳоли бандлиги соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни, шунингдек, муносиб иш ўринларини яратиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг тижорат банкларидан кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш;

хотин-қизлар ва эркакларни бутун умри давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, уларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;

одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш, уларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ ҳамда оилавий ажралишларнинг олдини олиш;

гендер тенглик тамойилларини илгари суришда, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини тенг амалга оширишда бюджетни режалаштириш, гендер масалаларини бюджет жараёнларига интеграциялаш, гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш;

гендер тенглик, аёллар тадбиркорлиги, хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш миллий мақсадларига эришишда парламент, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш;

гендер тенглик соҳасидаги халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мос бўлган халқаро шартномаларни ратификация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш[6].

Инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши яна бир муҳим қадам сифатида Давлат раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини яна-да кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан жамиятда аёлларни ҳўрлаш ва қадрсизланишларига қарши мурасизлик муҳитини яратиш вазифаси давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Аслида гендер тенглик, яъни эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу омил энг юқори даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг ҳам негизидир. Чунки мутахассисларнинг фикрича, фақат эркаклардан иборат жамоага нисбатан 50/50 фоиз эркак ва аёллардан иборат меҳнат жамоалари, айниқса агар улар ақлий меҳнат билан банд бўлса, бир неча баробар юқорироқ натижа кўрсатар экан. Қолаверса гендер тенглик – бу мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор. Демак, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш, юртимизга тобора кўпроқ инвестициялар жалб қилиш учун ҳам шу индикаторга етарлича аҳамият беришимиз керак.

Бу борада доимий, кўламдор ва салмоқли натижаларга эришиш учун эса умумий режа кўринишидаги ҳужжат, оддий тил билан айтганда, дастурул амал керак. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда айнан шу ҳужжат – 2020–2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу тарихий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мамлакатни ривожлантиришнинг устувор вазифалари, ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда гендер тенгликни таъминлашнинг асосий тамойиллари қаторида қонунийлик, демократия, очиқлик ва ошкоралик принциплари белгиланган. Ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашга қаратилган мазкур ҳужжат тез орада жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиниб, у бўйича кенг муҳокамалар ўтказилиши режалаштирилмоқда[7].

Бугунги кунда турли даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1500 нафардан ортиқ, шу жумладан вазирлик ва идораларда, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги кунда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик, 6 нафар аёл ҳокимлик лавозимини эгаллади. Турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2

минг 224 нафарга етди. Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл “Мўтаббар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Мамлакатимизда тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча қафолатлар берилди.

Катта компаниялар ва нодавлат ташкилотлар ходимларининг умумий сонидаги хотин-қизлар улушида деярли тўлиқ гендер тенглик таъминланган бўлиб, 2019 йилда кўрсаткичлар 49,5 фоизга етди. Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг 20 фоиздан ортиғига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда.

Шу билан бир қаторда, Стратегияда таъкидлаб ўтилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда “Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари” қабул қилинган. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад – “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”дир. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қамраб олади. Ушбу вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари мас’ул.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эътиборни кучайтириш талаб этиладиган масалалар мавжуд. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ва жамият бошқарувига оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда иштирокини кенгайтиришни таъминлаш лозим[7].

Хулоса. Умуман олганда, гендер тенгликка эришиш Стратегиясига асосан, узок истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, гендер тенгликка эришиш бир қатор устувор йўналишларда амалга оширилади. Давлат хизматида, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида, сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш шулар жумласидан. Шунингдек, стратегияда гендер тенгликни таъминлаш тадбирларини

хисобга олган ҳолда давлат дастурларини бюджетлаштириш ва молиялаштириш ҳар кўзда тутилган[8].

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, гендер сиёсати давлат бошқарувини муҳим ва асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу давлатнинг ижтимоий жиҳатларини кучайтиришнинг ўзига хос омили сифатида Янги Ўзбекистонда алоҳида ва етакчи аҳамият касб этади.

Иқтибослар / Сноски / References

1. Сеитова З. П. ЖЕНЩИНЫ И ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ЖИЗНЬ //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЩЕСТВА, НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2022. – С. 159-161.
2. <https://qoraqalpoq.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=50542>
3. Seitova Z., Utemyratov B. Components of gender identification and differentiation //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 9. – С. 217-224.
4. Мухитдинова Ф. А. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2024. – Т. 3. – №. Special Issue 15. – С. 391-399.
5. Сеитова З. П. ВОПРОСЫ САМОИДЕНТИФИКАЦИИ ЖЕНЩИН В СОЦИОЛОГИЧЕСКОМ ИЗМЕРЕНИИ //ILM SARCHASHMALARI. – Т. 185. – №. 15. – С. 1088-1091.
6. <https://lex.uz/docs/5466673#5467718>
7. Юлдашева А. ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 522-532.
8. <https://ombudsman.uz/uz/docs/ozbekistonda-olib-borilgan-gender-siyosati-inson-huquqlari-kafolatlanishining-muhim-mezoni-3>